

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Янгикургон туман Ободонлаштириш
бошкармаси бошлиғи



Б.Сотиволдиев

Техник топширик
БУЮРТМАЧИ

№	Маълумотлар рўйхати	Асосий маълумотлар ва талаблар
1	Махсулот номи	Янгиқўрғон тумани Тинчлик МФЙ худудида ички ирригация тармоқларини қуриш учун энг яхши таклифни танлаб олиш
2	Буюртмачи	Янгиқўрғон туман ободонлаштириш бошқармаси
3	Бажарувчи	Танловдан сўнг аниқланади
4	Объект жойлашган манзил	Янгиқўрғон тумани
5	Иш бошланиши ва тугалланиши	2022 йил май – 2022 йил декабрь
6	Маблағ манзили	Внебюджет
7	Алоҳида талаблар	Сифатли ва уз вақтида бажарилиши шарт
9	Тўловлар шarti	Тўловлар пул кўчириш йўли билан ва счёт фактура асосида

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Янгиқўрғон туман
Ободонлаштириш бошқармаси**



Б.Сотиволдиев

2022й

БУЮРТМАЧИ:

“Янгиқўрғон туман Ободонлаштириш бошқармаси”

Янгиқўрғон тумани Тинчлик МФЙ худудида ички ирригация тизимини куриш учун энг яхши таклифни танлаб олиш.

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Янгиқўрғон туман-2022

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда №3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди.

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Янгикўрғон тумани Тинчлик МФЙ ҳудудида ички ирригация тизимини қуриш учун энг яхши таклифни танлаб олиш ишлаб чиқарувчилар томонидан энг яхши таклифларни жалб қилинади.

1.2. Танловнинг охириги қиймати – 165 274 239 сўм.

Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 1 ой.

1.5.Ишларни бошлаш муддати – буюртма берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. “Янгикўрғон туман Ободонлаштириш бошқармаси” (бундан кейин- “Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Почта манзили 160100, Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти, Янгикўрғон тумани, Амир Темур кўчаси 4 уй

Эл.адрес: _____

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади